

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ГИДРОНИМ ВА ГИДРООЙКОНИМЛАРИ

Давурова Холида Ҳайдаровна

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти
университети мустақил изланувчиси
davurova72@bk.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7267292>

Abstract. Ушбу мақола гидронимлардан шаклланган гидроойконимлар ҳақида. Гидроойконимлар асосан этноним, антропоним, фитоним ва ороним асосида номланган гидронимлардан ҳосил бўлади. Гидронимларнинг ойконимларга кўчиши муҳим қадимий ономастик ҳодиса ҳисобланади.

Keywords: Гидроним, гидроойконим, ойконим, ономастика, антропогидроним.

Жой номлари – топонимия доирасига сув объекти ва иншоотларининг номлари ҳам киради. Сув объекти ва иншоотларининг номларини илмий-назарий ҳамда амалий жихатдан ўрганувчи соҳа гидронимика деб аталади. Гидронимика термини таркибан грекча hydro – сув, оном – ном ва – ика – оид каби маъноли қисмларидан иборат бўлиб, “сув объектларининг номларига оид” деган луғавий маънога эга¹.

Гидронимлар топонимлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Сув объектларининг, чунончи, денгиз, дарё, кўл, сой, ариқ, булоқ, қудуқ, чашма, анҳорларнинг номи гидронимлар деб аталади: *Аччидарё, Шўрариқ* (Қашқадарё вилояти), *Сувлисой, Қудуқлиқ* (Фарғона вилояти), *Оқдарё, Қумариқ, Қозонариқ, Тошбулоқ, Шўрқудуқ* (Самарқанд вилояти) кабилар.

Гидронимлар сув объектларининг атоқли отлари бўлиб, Жиззах вилояти топонимиясида салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Улар бир неча гуруҳларга бўлинади.

Дарё номлари: *Сангзар дарёси;*

Сув омбори: *Туятортар сув омбори, Қоровултепа сув омбори;*

Канал номлари: *Жанубий Мирзачўл канали;*

Сой номлари: *Қорасой, Бахмалсой, Жиллисой;*

Булоқ номлари: *Қашқабулоқ, Бешбулоқ, Шўрбулоқ;*

Қудуқ номлари: *Кориз қудуқ, Самарқандқудуқ*

Гидронимлар турли ономастик маъноларни ифодаб келади. Баъзи гидронимларнинг этимологияси, яъни келиб чиқиши аниқ бўлиб, ортиқча изоҳни талаб этмайди. Шўрбулоқ, Қорасув сингарилари шундай номлар

¹ Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-илмий тадқиқи. –Тошкент: Фан, 2008. – Б. 5-6.

сирасига киради. Шўрбулоқ атамаси сувнинг маза-таъмига нисбатан ном олган.

Сув ҳавзалари инсон фаолияти ва ҳаётида катта ҳаётий, ижтимоий ва моддий аҳамиятга эга бўлган. Шу боисдан, гидронимлар ҳам номланиши хусусиятларига кўра, қуйидаги типларга ажратилади:

1. *Потамоним* - дарё, сой, ариқ ва каналларнинг номи;
2. *Лимпоним*-кўл, булоқ, ховуз ва қудуқларнинг номи;
3. *Пелагоним*-океан, денгиз ва кўлтиқларнинг номи².

Гидронимлар орасида яна шундайлари учрайдики, уларнинг маъноларини аниқлаш анча мушкул. Бундай номлар ўзга тил материалларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг маъноси махсус этимологик тадқиқотлар ёрдамида очиб берилади. Сангзор гидронимини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. “Сангзор” дарёси номи тожикча санг – “тош” ва “зор” – ўрин-жой маъносини билдирувчи қўшимчаларидан таркиб топган бўлиб, “тошли ер, тошлоқдан оқиб ўтган дарё” деган тушунчани ифодалайди³.

Гидронимлардан шаклланган жой номлари гидроойконимлар деб аталади. Гидроойконимларни таҳлил қилишда уларнинг қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш принципларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, гидроойконимларнинг номланишига ҳар хил омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Уруғ, қабила, халқ номлари (этнонимлар) билан аталган гидронимлар. Бу хил номлар сув объектларининг маълум бир этник группа тегишли эканлигини, уларга алоқадорлигини билдиради. Бу гидронимлардан гидроойконимлар шаклланган. Бунга *Қипчоқсув*, *Қорачасой* (Ғаллаорол туманидаги қишлоқ, маҳалла), *Қорабулоқ* (Фориш туманидаги аҳоли пункти), *Қуччисой* (Бахмал туманидаги қишлоқ), *Мўлқанлиқариқ*, *Саройлиқариқ* (Шароф Рашидов туманидаги қишлоқлар) гидроойконимларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар. Бундай гидронимлар ариқ, сой, булоқ, қудуқни қазишда бош-қош бўлган, унга раҳбарлик қилган шахсларнинг исмлари билан аталади. Аниқроғи ушбу кўринишдаги атамалар ҳам сув объектларининг маълум шахсга мансублигини ифода қилади. Бундай жой номларига *Омонбулоқ*, *Ҳамдамбулоқ* (Фориш туманидаги аҳоли пунктлари), *Мирзабулоқ*

² Бегалиев Н. Б. Самарқанд вилояти гидронимларининг лисоний таҳлили. Дис.ф.ф.н., автореф. – Тошкент, 1995. – 25 б.

³Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Самарқанд, 2007. – Б. 46.

(Ғаллаорол туманидаги аҳоли пункти), *Каримсой* (Зомин туманидаги аҳоли пункти) каби гидроойконимлар мисол бўла олади.

С.Н. Аҳмедов ҳам илмий ишида киши исмлари асосида пайдо бўлган антропогидронимларга *Турғунсой*, *Эшматсой* (Бахмал туманидаги ариқ номлари), *Болтасой*, *Жўлбексой* (Зомин туманидаги ариқ номлари)⁴ каби гидронимларни мисол тариқасида қайд этган.

Ўсимлик номлари, яъни фитонимлар билан юритилувчи гидронимлар. Бундай гидронимлар объектдаги ўсимлик дунёсининг характерли томонларини ўзида акс эттиради. Ана шу гидронимлардан эса *Тераклисой*, *Қамишқўл* (Бахмал туманидаги қишлоқ, аҳоли пункти), *Ўриклисой* (Зомин туманидаги аҳоли пункти), *Ковулсой* (Шароф Рашидов туманидаги аҳоли пункти) каби гидроойконимлар шаклланган.

Ер қатламининг устки тузилиши, тупроқнинг таркибига кўра номланган гидроойконимлар. Бундай номларнинг таркибида кўпинча “тош”, “қум” сўзлари иштирок этади. *Қумариқ* (Мирзачўл туманидаги қишлоқ), *Тошбулоқ* (Ғаллаорол туманидаги аҳоли пункти) гидроойконимлари шундай ҳосил бўлган.

Сувнинг маза-таъми, ҳиди ва ҳароратига нисбатан ном олган гидронимлар. Бундай хил гидронимларнинг таркибида “ширин”, “чучук”, “тотли”, “шўр”, “аччиқ”, “сассиқ”, “иссиқ”, “жили” “совуқ” каби сўзлар учрайди. Чунончи, *Сассиқбулоқ*, *Жиллибулоқ*, *Аччисой* (Самарқанд вилояти) *Ширинқудуқ*, *Чучукқудуқ* (Қашқадарё вилояти) каби гидроойконимлар шундай жой номлари сирасига киради. Шунингдек, Фориш туманидаги *Сассиқбулоқ* қишлоғи номини, Бахмал туманидаги *Жилибулоқ*, *Совуқбулоқ*, *Шўрбулоқ* аҳоли пунктлари номини, *Сассиққўл* қишлоғи номи, Зомин туманидаги *Шўрча* аҳоли пункти, Шароф Рашидов туманидаги *Совуқсой* қишлоғи, Ғаллаорол туманидаги *Ширинбулоқ* аҳоли пункти номларини гидроойконимларга яққол мисол қилиб келтириш мумкин.

Сувнинг ранг хусусиятига қараб номланган гидронимлар. Ушбу семантик типдаги гидронимларнинг таркибида қуйидаги сўзлар қатнашади: 1) оқ сўзи: *Оқбулоқ*, *Оқсув*, *Оқсой*, *Оққўл*; 2) қора сўзи: *Қорасув*, *Қорасой*, *Қораариқ*; 3) кўк сўзи: *Кўксой*, *Кўкбулоқ*; 4) қизил сўзи: *Қизилсув* гидроними; 5) сариқ сўзи: *Сариқсув* каби гидроойконимлар сувнинг ранг хусусиятига қараб номлангандир. Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги *Кўксой* қишлоғи, Бахмал туманидаги *Қорасой* қишлоқларининг номлари, номи шундай маънодаги гидроойконимлардир.

⁴ Аҳмедов С.Н. Жиззах вилояти топонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. – Самарқанд, 2019. – Б. 70.

Гидронимларнинг таркибида қўлланган *оқ ва қора* сўзлари турли маъно хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар В.В.Бартольд⁵, А.Н.Кононов⁶, Е.Койчубаев⁷, Ҳ.Ҳасанов⁸, С.Қораев⁹, Т.Нафасов¹⁰ каби олимларнинг илмий тадқиқотларида қайд этиб ўтилган. Уларнинг ёзишича, доимо оқиб турадиган, тоғдан, музликлардан келадиган қор сувлари билан тўйинадиган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқ тусда бўлган, ичишга яроқли - дарё Оқсув, Оқдарё деб номланган. Тоғ этаклари, водийларда ер ости сизот сувларидан тўйинадиган, секин оққанлиги учун тиниқ қорамтир тусда, табиий ўзанидан оқмайдиган, канал қазиб оқизилган сув Қорасув ёки Қорадарё номлари билан юритилган. Кўксув, Кўқдарё гидронимлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу хил гидрообъектларнинг кўлами чуқур, сувнинг оқиш суръати сокин, ранги шишадек кўм-кўк, тиниқ ва тоза бўлади.

Гидрообъектнинг сон-саноғи, миқдорида қараб ном олган гидронимлар. Бу хил номлар ариқ, булоқ, кўл, қудуқ каби гидрообъектларнинг миқдорий белгисига ишора қилади. Бундай гидронимлар таркибига миқдорни билдирувчи икки, уч, беш, олти, қирқ, минг, қўш, гала, тўда каби сўзларнинг қўшилиши орқали шаклланган. Жумладан, *Бешқувур* (Жиззах шаҳри маҳалла), *Бешбулоқ* (Зомин туманидаги аҳоли пункти), *Бешариқ* (Ғаллаорол туманидаги кўча) *Учариқ* (Жиззах шаҳридаги маҳалла) гидроойконимлари, шунингдек, Зомин туманидаги *Дуба* гидроойконими ҳам миқдорни билдирувчи сўзлар ёрдамида ҳосил бўлган. Бундан ташқари кўпгина вилоятларда ҳам, яъни Наманган вилояти, Поп туманида *Дуб*, Қашқадарё вилояти, Ғузор туманида *Дубасой* гидроойконимлари учрайди. “Дуб” сўзи тожикча сўз бўлиб, ду – икки, об – оқар сув, жилға ёки дарёнинг ирмоғи сўзларидан ташкил топган бўлиб, “икки сув” деган маънони билдиради¹¹. Одатда икки сув - ариқ ёки сойнинг қўшилган жойи *Дуб* деб юритилади.

Объектнинг жойлашган ўрнига, ҳажми - ўлчовига, шакл ва тузилишига кўра номланган гидроойконимлар. Мазкур гуруҳга мансуб бўлган гидроойконимлар таркибида юқори, баланд, ўрта, паст, ора, чет,

⁵ Бартольд В.В. Сочинения. Т. 9. – Москва: Наука, 1977. – 966 с.

⁶ Кононов А.Н. О семантике слов кара и ак в тюркской географической номенклатуре. // Известия. Отделения общественных наук АН Тадж.ССР. – Сталинабад, 1954. № 5. – С. 83-85.

⁷ Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. –Алма-Ата, 1974. – 275 с.

⁸ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 100 б.

⁹ Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент, 1978. – 201 б.

¹⁰ Нафасов Т. Қашқадарё кишлокномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – 431 б.

¹¹ Нафасов Т. Қашқадарё кишлокномаси. – Б. 92.

чекка, орқа, катта, кичик, чуқур, узун, думалоқ, ёйиқ, қийшиқ, эгри каби сўзлар қатнашади. Масалан, *Чуқурсой, Пасткиариқ* (Самарқанд вилояти), *Қиялисой, Ўртаариқ* (Фарғона вилояти) шундай гидроойконимлар саналади. Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида *Каттасой*, Фориш туманидаги *Узунқудуқ* каби шундай шаклланган гидроойконимларни учратиш мумкин.

Объектнинг пайдо бўлган вақтига нисбатан номланган гидронимлар. Бунда гидронимлар таркибида қўлланган “янги”, “нав”, “эски”, “кўҳна” сўзлари гидрообъектнинг пайдо бўлган вақти, яратилиш даврига ишора қилади. Улар объектларни бир-бирига қиёслаш, таққослаш асосида яратилади. “Янги”, “нав” сўзларида пайдо бўлиш жиҳатидан яқинда вужудга келган объектни, “эски”, “кўҳна” сўзлари эса бунга нисбатан аввалроқ, олдинроқ яратилган объектни ифода қилади. Буларга Янгибулоқ, Эскибулоқ, Янгисой каби гидроойконимларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шароф Рашидов туманидаги *Янгиариқ* қишлоғи номи ҳам худди шундай маънони англатади.

Сувнинг оқиш характери, оқимидаги йўналишига кўра ном олган гидронимлар. Айрим гидронимлар номланишига сувнинг тез, шариллаган ҳолда ёхуд секин, дамланиб оқиши, оқимда ўз ўзанини ўзгартириб туриши каби омиллар ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Тезоб, Дамариқ, Шўхсой, Тентаксой, Жиннидарё, Тескариариқ каби гидронимлар шулар жумласига киради. Ушбу гидронимлардан Тентаксой - сув кўпайган пайтларда ўз йўлида, изида оқмасдан ўзанини тез-тез ўзгартириб турганлиги ва бунинг натижасида атрофдаги экинларни вайрон қилиб юборганлиги учун; Тескариариқ - суви пастдан тепага, юқори томонга оққанлигига кўра шундай тарзда ном олгандир. Жиззах вилояти Фориш туманидаги *Дамариқ* аҳоли пункти номи оқиш характери, оқимдаги йўналишни англатувчи гидронимдан шаклланган.

Бундан ташқари Қайнарбулоқ, Кўркўл, Кўрқудуқ каби гидронимлар борки, уларда ҳам сув объектнинг табиатини кўрсатишга маълум даражада ишора бор. Хусусан, Қайнарбулоқ “суви қайнаб, отилиб турадиган булоқ” деган маънони билдиради. Суви чиқмай қолган ёки бир қисм кўмилиб кетган кўл, қудуқ, булоқлар Кўркўл, Кўрқудуқ, Кўлбулоқ номлари билан юритилади. Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги *Кўрбулоқ* ойконими ҳам шундай гидроним асосида шаклланган.

Таъкидлаш керакки, гидронимлар таркибининг иккинчи қисми ҳамма учун тушунарли бўлган ҳамда кенг равишда қўлланувчи дарё, кўл,

булоқ, канал, сой, ҳовуз, зовур, тўғон, қувур, қудуқ сингари терминлардан иборат бўлади.

Гидронимларнинг ойконимларга ўтиши ҳам қадимий ономастик ҳодиса ҳисобланади. Ойконимга кўчган гидронимлар таркибидаги руд, об,/дарё, жўй (ариқ) булоқ, (булоқ, дарё), жилға, (дарё, ирмоқ), қудуқ, кориз, кўл, сой, ҳовуз, чашма каби сувлоқларнинг турларини билдирган сўзлар учрайди. Гидронимларнинг ойконимларга ўтиши оронимларга қараганда миқдори кам бўлса-да, лекин номшуносликда бу ўрганилган ва аниқланган жараён. Жиззах вилоятидаги қуйидаги гидроним номларининг ойконимларга ўтишини кўришимиз мумкин:

Арнасой – кўл номи – қишлоқ номига, сўнгра туман номига ўтган. “Арна” ва “сой” сўзларидан ташкил топган бўлиб, санскрит тилида “арнос” – сув оқими, катта ариқ, жар, канал, дарё ўзани, сув йўли маъноларини англатади. Бу термин Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам бошқачароқ маънода ишлатилади. Чунончи, Шароф Рашидов, Зомин, Ғаллаорол туманларида сув ўйиб кетган жойни арна дейишади. Демак бу жойларда арна ва жар сўзлари синоним ҳисобланади¹².

Маржонбулоқ – булоқ номи ойконимлашув туфайли қишлоқ номига ўтган. “Мунчоқ” ва бошқа безак буюмлари ясаш учун ишлатиладиган тошлари бор булоқ маъносини англатади¹³.

Қашқабулоқ – булоқ номи – қишлоқ номига ўтган. “Қашқа” сўзи – кўринадиган жойида нишонаси бор баландлик, қор билан қопланиб ётадиган юқори чўққилар, баланд жойлар¹⁴ деган маъноларни ифодалаш учун қўлланилади. Қашқабулоқ эса баландликдаги булоқ деган маънони англатади.

Қашқасув – сой номи - қишлоқ номига ўтган. “Қашқасув”- сершаршара, тезоқар тоғ жилғаси, яъни тезоқар сувли жилға, қирғиз тилида тоғдан оқиб тушувчи сув, дарё, кўм-кўк сув¹⁵ деган маънони англатади.

Ғўроб – тоғ дарёси номи - дарё номи қишлоқ номига ўтган.. “Ғўроб” тоғ суви, тоғ дарёси, тошлоқдан оқувчи сув каби маъноларни англатади¹⁶.

Жиззах вилоятидаги *Айдар кўли* аслида *Ҳайдар кўл* бўлиб, унинг номи халқ тилида нотўғри талаффуз қилинган. Киши исми кўл номига ўтган.

Кўпчилик ҳолларда дарё ва сой, ҳовуз, қудуқ номлари ҳеч қандай ўзгаришсиз аҳоли манзили номига ўтиши ҳолати ҳам учраб туради.

¹² Қораев С. Топонимика. – Тошкент, 2006. – 320 б.

¹³ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири... – Б. 34.

¹⁴ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 365.

¹⁵ Мурзаев Э.М. Тюркские географические названия. – Москва: Восточная литература, 1996. – 252 с.

¹⁶ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 76.

Бунга мисол килиб, Жиззах вилоятидаги *Осмонсой, Эгизбулоқ* (Фориш туманидаги қишлоқлар), *Ҳовузбулоқ, Гумсой* (Ғаллаорол туманидаги қишлоқ, аҳоли пункти), *Кориз* (Зомин туманидаги қишлоқ) каби гидроойконимларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Гидронимларнинг кичик тури бўлган ариқларнинг ҳам ўзига хос номланиш мотивлари мавжуд. Жумладан:

а) ариқни қаздирган ёки унга эгалик қилувчи шахс номига нисбат берилган номлар: *Болтақора ариғи, Розикхўжа ариғи, Хўжаҳасан ариғи* (Шофиркон тумани);

б) ариқ унга эгалик қилган бирор жамоа, этнос номи билан юритиладиган номлар: *Беклар ариғи, Дўрмон ариғи*, (Шофиркон тумани), *Керайит ариғи, Хўжаариқ* (Нурота тумани);

в) ариқ у оқиб ўтадиган жой, ҳудуд номи билан юритиладиган номлар: *Қумариқ, Кўрғонариқ, Исфара ариғи* (Марғилон тумани), *Дўнгариқ* (Нурота тумани) ;

г) ариқнинг сиғими, ҳажмига асосланган номлар: *Каттаариқ, Кичикариқ, Шоҳариқ* (Нурота тумани), *Ингичка ариқ* (Марғилон тумани)¹⁷.

Жиззах вилояти ҳудудида ҳам ариқ гидроними билан шаклланган жой номлари учрайди. Чунончи, Бахмал туманидаги *Кичикариқ* қишлоғи номи ариқнинг ҳажмига, Зафаробод туманидаги *Бўтанариқ* ойконими эса ариқдан лойқа сув оқишига нисбат берилиб номланган.

Хуллас, Жиззах вилояти гидроойконимлари таркибида булоқ, сой, дарё, кўл, канал, қудуқ, ҳовуз, ариқ каби гидронимларнинг кенг қўлланилишини кузатишимиз мумкин. Гидроойконимлар этноним, антропоним, фитоним ва оронимлар асосида пайдо бўлган гидронимлардан шаклланган. Гидронимларнинг ойконимларга кўчиши ономастик ҳодиса ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Аҳмедов С.Н. Жиззах вилояти топонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Дис.ф.ф.н. – Самарқанд, 2019. – 146 б.
2. Бегалиев Н. Б. Самарқанд вилояти гидронимларининг лисоний таҳлили. Дис.ф.ф.н., автореф. – Тошкент, 1995. – 25 б.
3. Бартольд В.В. Сочинения. Т. 9. – Москва: Наука, 1977. – 966 с.
4. Кононов А.Н. О семантике слов кара и ак в тюркской географической номенклатуры. // Известия. Отделения общественных наук АН Тадж.ССР. – Сталинабад, 1954. № 5. – С. 83-85.

¹⁷ Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Кўкон, 2005. – 90 б.

5. Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. –Алма-Ата, 1974. – 275 с.
6. Мурзаев Э.М. Тюркские географические названия. – Москва: Восточная литература, 1996. – 252 с.
7. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 431 б.
8. Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Қўқон, 2005. – 90 б.
9. Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 5-6.
10. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Самарқанд, 2007. – 80 б.
11. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент, 1978. – 201 б.
12. Қораев С. Топонимика. – Тошкент, 2006. – 320 б.
13. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 100 б.